

ҲУДУДИЙ ТРАНСПОРТ ТИЗИМЛАРИ ЖОЙЛАШУВИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР

Омонтурдиев А.М.
ЎзМУ Таянч докторанти
Рахматов А.Ф.

Термиз Давлат Университети ўқитувчиси

***Аннотация.** Мақолада асосий эътибор транспорт тизимларининг шаклланиши тарихий ҳолати ва ривожланиш тенденцияларида унга таъсир этувчи омиллар ҳамда бу омилларнинг географик жиҳатлари ёритилган.*

***Таянч сўзлар.** Транспорт тизимлари, табиий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, экологик, техник-технологик омиллар, географик муҳит, транспорт тарихий шаклланиш, рельеф, иқлим, аҳоли, транспорт техник тараққиёт.*

FACTORS AFFECTING THE LOCATION AND DEVELOPMENT OF REGIONAL TRANSPORT SYSTEMS

Omonturdiev A.M.
Doctoral student of National University of Uzbekistan
Rakhmatov A.F.
Teacher of Termiz State University

Abstract. The main focus of the article is on the historical state of the formation of transport systems and the factors affecting it in the development trends, as well as the geographical aspects of these factors.

Keywords. Transport systems, natural, economic, social, political, ecological, technical and technological factors, geographical environment, transport historical formation, relief, climate, population, transport technical development.

Глобаллашув даврида дунёдаги барча мамлактлар транспорт инфратузилмасига ҳамда транспорт хизматларига олдинги даврларданда кўпроқ эҳтиёж сезмоқда. Бинобарин минтақалар орасида янги келишувлар савдо ва маданий алоқаоар йўлга қўйилмоқда ва бугунги кунда транспортнинг технологик ривожланиши инновацион ишланмалар келажакда транспорт тизимининг ўзгаришга учрашидан далолат бермоқдаки, узок

масофалар тез фурсатларда босиб ўтишмоқда, стратегик аҳамиятли маконларда транспорт инфратузилма ҳамда алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш долзарб масала ҳисобланмоқда. Жаҳон транспорти ижтимоий меҳнат тақсимотини шунингдек ишлаб чиқариш кучларини шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришда каби асосий вазифаларни бажаради. Дунё транспорт тизимида бугунги кунда ушбу вазифаларга қўшимча технологик, инновацион ва экологик вазифалар юклармоқда. Транспорт тизимлари долзарблиги ҳар қачонгидан ҳам ҳозирги дунё минтақалари интеграцияси ривожланган муҳитда муҳимлашди.

Унинг аҳамияти, айниқса, миллий иқтисодиётнинг барча турдаги тармоқлари билан интеграция муаммоларини ҳал қилишда, жаҳон бозори муносабатларининг янада ривожланишини кучли омили ва маҳсулотлар ва маълумотлар айланиши жараёнида транспорт муҳим боғловчи элемент сифатида аниқ намоён бўлди.

Транспорт иқтисодиётнинг шундай тармоғи, унинг жойлашиши ва ривожланиши, ҳудудий тизимларини вужудга келишида бир қанча омилларнинг таъсири катта. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, транспорт тармоқларининг жойлашишида уларнинг тури ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, темир йўл, автомобил, транспортлари бевосита курукликда жойлашганлиги сабабли, уларга энг аввало ҳудудларнинг табиий шароити (географик ўрни – яъни куруклик ичкарасида, қирғоқбўйида жойлашганлиги, ер юзаси тузилиши – рельефи, ҳудуднинг гидрографик тўри, иқлими), ижтимоий-иқтисодий омиллар – яъни йирик аҳоли пунктларининг узоқ-яқинлиги, аҳоли зичлиги, аҳоли пунктларининг зичлиги, фойдали қазилмаларнинг жойлашиши хусусиятлари ва шунингдек сиёсий омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Шунингдек қувур транспорти баъзи минтақаларда курукликда шаклланган бўлса айрим ҳудудларда сув ости ҳудудларида ташкил этилганлиги билан ажралиб туради. Аммо, ҳаво транспортида юқоридаги омилларнинг бевосита таъсири кам. Денгиз

транспортининг ривожланиши эса қулай денгиз савдо йўллари ва йирик портлар билан бевосита боғлиқдир.

Транспорт тизими шаклланиши ва ривожланиши қуйидаги гуруҳ омилларига боғлиқ

- Табиий-географик
- Иқтисодий-ижтимоий
- Сиёсий
- Техник-технологик
- Атроф муҳитга таъсир экологик омил

Юқоридаги омилларнинг ҳар бирида алоҳида жиҳатлар омил ичидаги омиларни кўриб чиқишимиз мумкин. Табиий-географик омилга мисол қилиб қуйидагиларни келтириш мумкин:

- Географик жойлашуви
- рельефи
- иқлими
- гидрографик тўри
- морфологик жиҳати ва бошқалар.

Бу омилларни таҳлил қилиш мобайнида ҳудудда транспорт инфратузилмасини шакллантиришнинг қийинлиги ёки қулайлигини аниқлаш мумкин.

Ҳудудда транспорт тизими инфратузимасини жойлаштириш транспорт мажмуасини ривожлантиришда Иқтисодий-ижтимоий географик гуруҳ омиллини ҳам ўрганиш аҳамиятли бўлиб, Иқтисодий-ижтимоий географик гуруҳ омиллини кичик омилларга бўлиш муҳим. Улар;

- иқтисодий геогрфик ҳолати
- тарихий географияси
- аҳоли манзилгоҳлари (ҳудуга тўғри келувси аҳоли сони (киши/км²))
- табиий ресурсларнинг мавжудлиги
- саноат корхоналарнинг қурилиш ёки мавжудлиги
- меҳнат ресурслари

Шунингдек ўрганилётган объект учун таъсир этувчи жиҳатлардан ёинки омиллардан долзарби бу албатта сиёсий омил бўлиб, ҳудуднинг геосиёсий ўрнини анлатади.

Омиллар хусусиятлари, тарихий шаклланиш давлари жиҳатидан олиб қаралганда табиий-географик омил, илк таъсир этувчи асос омиллардан лекин технологик жараёнлар келажак транспортнинг қай ҳолатда тараққий этишини белгилайди

Дунёда денгизга тўғридан тўғри чиқиш имкониятига ега бўлмаган давлатлар сони 44 та бўлса, денгизга чиқиш учун икки давлат ҳудудидан ўтиши керак бўлган давлатлар жаҳонда 2 та Лихтенштейн¹ ва Ўзбекистон. Бу ўз ўрнида географик жойлашувнинг транспорт ривожига таъсири жуда катталигини анлатади. Чунки жаҳонда экспорт ва импорт масалаларининг асосий қисми (90 %) денгиз транспорти орқали амалга оширилади ҳамда бу транспорт турида юкларни ташиш арзонроқдир.

Рельеф хусусиятини асосан темир йўл ҳамда автомобил йўлларини қуришда, йўлнинг тоғ ёки текисликда қурилишига қараб, ҳудуд транспорт инфратузилмасини шакллантириш учун, қулай ёки ноқулай деб баҳоланади.

Шундай бўлишига қарамасдан кўпгина давлатларда транспортни жойлашиши ва ривожланиши табиий-географик хусусиятни ҳам ҳисобга олмасдан амалга ошириб бўлмайди. Ҳудуд тоғли районда жойлашган бўлса бу ерда темир йўл, ва автомобил транспорт тизимларини жойлаштириш бирмунча қийиндир.

Транспорт географик олимлардан Эрнст Эмил Курт Хассерт (1868-1947) темир йўлларни ташкил этишда рельеф омилининг аксинча баҳолаган. (проф. С.В. Бернштейн-Коган Очерки Географии транспорта. гос изд-во 1930.-360 с) Чунки Боливиядаги баъзи темир йўллар (Мулато-Потози) 4880 метр² баландликдан ўтганлигини қайд этган.

¹ Лихтенштейн ҳудуди 160 км², аҳоли сони 38613 киши (2021 йил) аҳоли жон бошига даромад 114 минг доллар.

² Проф. С.В. Бернштейн-Коган Очерки Географии транспорта. гос изд-во 1930.-360 с

Транспортни жойлашуви ҳозирги ривожланган замонда баъзи ҳудудларда табиий омилларни ҳам чеклаб ўтмоқда, бу давлатларнинг қанчалик иқтисодий ривожланганлик даражасига ҳам боғлиқ. Мисол тариқасида 2006-йилда Хитойда очилган темир йўл бекати Танг-ла 5072 м баландликдан ўтган, бунгача Европада Юнгфрау (3750 м) ҳамда Жанубий Америкада бир қанча баланд тоғли ҳудуддан ўтган темир йўллар мавжуд. Темир йўлларни тоғли баланд жойлардан олиб ўтиш учун мамлакат иқтисоди юқори бўлиши, етук мутахассислар мавжудлиги ҳамда ўтказилаётган темир йўлнинг давлат транспорт тармоқларидаги ўрни ва аҳамияти эътиборга олинади.

Тарихдан маълумки йўллар дарёлар билан параллел жойлашиб келган, мисол тариқасида Мисрда Нил дарёси бўйлаб транспорт тизими жойлашган ва Ўртаер денгизигача давом этган. Бу хусусият мамлакатимиздаги дарёларда ҳам ўз аксини топган бўлиб, мисол тариқасида Сурхондарё дарёси ёқалаб шимолдан жанубга транспорт тизимлари жойлашган. Дарёнинг йўл билан туташ қисмида кўприklar барпо этишга тўғри келади. Унинг кенглиги кўприklar барпо этишдаги қийинчиликлар туғдиради. Мисол тариқасида жаҳондаг энг йирик Амазонка дарёсининг кенглиги боис кўприк мавжуд эмас (ирмоқларида мавжуд). Шунингдек кўприк қурилишида ўша ҳудуд тупроқларини ўрганиш яъни жойнинг геоморфологиясини, муҳандис геологик ишлар бажарилиб ташкил этишни тақозо этади.

Сурхондарё дарёси ва унинг ирмоқлари кенг бўлмасада транспорт иншоотларини барпо этишда дарёнинг сув кўпайиш даври ҳисобга олинади. Ёғинли фаслларда дарёлар тошиб транспорт инфратузилмалари шдан чиқишига сабабчи бўлади.

Қисқа қилиб айтганда транспорт тармоқлари ривожланишга табиий-географик нуқтаи назардан олиб қаралганда селлар, қор кўчкилари, сурилма, шамоллар, қум кўчкилари, автомобил йўлларида эрозия жараёнлари, карст ва геоморфологик жараёнлар ўз таъсирини кўрсатади.

Худудда транспорт тизими инфратузилмасини жойлаштириш транспорт мажмуасини ривожлантиришда Иқтисодий-ижтимоий географик гуруҳ омилини ҳам ўрганиш аҳамиятли бўлиб, гуруҳ омилларини кичик омилларга бўлиш муҳим. Улар;

- аҳоли манзилгоҳлари
- табиий ресурсларнинг мавжудлиги
- саноат корхоналарнинг қурилиш ёки мавжудлиги
- меҳнат ресурслари ва ҳақозо

Аҳоли манзилгоҳларини жойлашувини транспорт нуқтаи назаридан ўрганганда, аҳоли зич бўлган шаҳар, қишлоқ аҳоли пунктлари ҳамда узок ҳудудларда жойлашган манзилларни тушуниш мумкин. Улар дастлаб табиий, иқтисодий, сиёсий жараёнлар туфайли пайдо бўлган бўлса кейинчалик аҳоли жойлашган ҳудуд транспорт тизимлари томонидан қулайлаштирилади.

Дунё миқёсида бир қанча оролларга денгиз ёки ҳаво транспорт орқали борилади. Мисол тариқасида Росс музлигида (Антарктика) Мак-Медро станциясида 1200 дан ортиқ аҳоли мавжуд ва у ерда 2 та аэродром мавжуд. Ва бу фақат илмий мақсадларда борилган бўлиб аҳолини транспорт эҳтиёжлари ҳаво транспорти орқали қондирилади. Ўзбекистонда ҳам бу турдаги аҳоли пунктлари мавжуд бўлиб уларни тоғли ҳудудларда учратиш мумкин. Сурхондарё вилоятида Тўпаланг сув омборининг юқори қисмида тоғли ҳудудда жойлашган аҳоли пункти асосан сув омбордан қайиқ орқали ўтиб кейин кўзлаган манзилига автомобил транспортида етиб олади.

Бундан ташқари республикамизда тарихдан савдо сотиқ йўллари устида жойлашган аҳоли пунктлари (Тошкент, Хива, Бухоро, Термиз, Самарқанд) транспорти аллақачон шаклланиб бўлган бўлиб, аҳолининг кундан кунга кўпайиши ва хизматлар соҳасига талаб ортиши, транспорт тизимларини янада ривожлантиришни тақозо этмоқда.

XIX – XX асрларда дунёда табиий ресурслардан фойдаланиш жуда кенгайди ва табиий ресурсларни қазиб олиш ва уни истеъмолчига етказиш жараёнида транспортга эҳтиёж сезилди. АҚШда темир йўлларнинг қурилиши

нефт корхоналари билан боғлиқ бўлиб, йирик нефт конларидан олинган маҳсулотлар темир йўллар орқали етказилган. Мамлакат иқтисоди кунда кунга ўсишда давом этган. Кейинчалик нефтни ташишда қулай ва рельеф танламайдиган қувур транспорти ривожланган.

Табиий ресурсларнинг мавжудлиги уни казиб олиш учун ташкил қилиниши керак бўлган саноат корхонаси деталлари албатта транспорт орқали етказилади ҳамда мавжуд хом ашёни етказиш учун транспорт инфратузилмаси зарурати пайдо бўлади.

Ўзбекистонда фойдали қазилма конлари ва унга боғлиқ бўлган завод фабрикаларини ташкил этилиши, транспорт тизимларини шаклланиши ва ривожланишига туртки бўлган асосий иқтисодий географик омиллардандир. Чунки кўмир конларининг ишга туширилиши темир йўл транспортига йўл очган бўлса, мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим бўлган нефт ва газ конларининг Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё вилоятларида ташкил этилиши ва уларни етказишда учун зарур бўлган қувур транспорти ривожлангандир.

Меҳнат ресурслари ва транспортда бир бирига боғлиқ жараёнлардан бири бу албатта йўловчи оқими таркибидаги меҳнат ресурсларининг бошқа ҳудудда фаолият юритишидир. Бунда транспорт тизими катта аҳамиятга эга бўлиб узок масофаларга меҳнат ресурслари тақсимотини амалга оширади. Доимий икки нукта оралиғидаги йўловчи оқими эса шу йўналишда транспорт тармоқлари ривожланишига сабабчи бўлади.

Дунёда мигрантларнинг асосий қисмини меҳнат ресурслари ташкил этади ва БМТнинг маълумот беришича улар дунё аҳолисининг 3.6% ни қамраб олади. Жаҳонда мигрантларнинг бир мамлакатдан бошқа мамлакатга ва мамлакат ичида бир ҳудуддан бошқа ҳудудга доимий қатнаш жараёни кузатилади. Мисол тариқасида Африка қитъасидан Европага мигрантларнинг катта оқими денгиз ва ҳаво транспорти орқали бориши натижасида, бу йўналишларда доимий қатновлар йўлга қўйилган.

Ўзбекистон аҳолиснинг катта қисми Россия федерациясида меҳнат фаолиятини олиб бориши натижасида Ўзбекистон- Россия ўртасида

ташилаётган йўловчиларнинг катта ҳажми, миргантлар ҳисобига амалга оширилади. Натижада меҳнат ресурслари фаолияти билан боғлиқ ҳаво, темир ва автомобил транспорти ривожланиб бормоқда.

Ўрганишлар натижаси таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки сўнгги вақтдаги транспорт тенденцияларини ҳисобга олиб замонавий транспорт тизимларини ривожлантириш арзон, қиммат, қулай, ноқулай тез ва секин каби мезонлар устида ишлар олиб бориш орқали эришилади.

Транспорт жойлашувига таъсир этувчи яна бир омил борки унда инсоният, ҳукумат ва давлатларнинг ўзаро алоқаси сиёсий муносабатлар катта аҳамиятга эгадир. Яъники сиёсий омил, транспортни нафақат куруқликда ва сувликда, балки ҳаво ҳудудида ҳам шаклланишига ва ривожланишига имкон яратади ёки тўсқинлик қилади.

Мисол тариқасида Хитой император сулолаларининг бир неча аср давомида денгизда сузишни тақиқлаганлиги, Япониянинг эса ёпиқ давлат бўлганлиги мамлакатлар транспорт алоқаларини бир ёқлама шаклланишига олиб келган бўлса, ёки яқин ўтмишда бўлган Чор Россияси ва Буюк Британия манфаатлари тўқнашган ҳудудда Чор Россиясининг Марказий Осиё жануби томон темир йўлларнинг ётқизилиши сабаб бўлган бўлса, кейинчалик Афғонистонда йиллар давомида урушлар низолар бўлиши, у ерда транспорт тизимларини шаклланиши ва ривожланишига сиёсий томондан тўсиқ бўлган.

Бугунги кун мисолида айтиладиган бўлса Россия федерацияси Украина ҳудуди билан делимитация ишларини олиб бориш мақсадида қилинган ҳарбий юришлари, транспортни қуйидаги жиҳатларига таъсир этди

- Украинани Осиё қитаъси билан транспорт алоқасини бир муддат сусайишига олиб келди
- Россия федерациясини Европа қитъаси билан йирик транспорт савдо алоқаларини чеклади
- Украина ҳудудидаги транспорт инфратузилмаларини ишдан чиқишига дарёлардаги бир қанча кўприklar бузилишига олиб келди.

- Украина давлатидаги ҳаво лайнерларини вақтинча бекор қилиниши ва хакозо .

Бу урушнинг нафақат икки давлат транспорт тизимига балки Ўзбекистон республикаси транспорти, МДХ давлатлари савдо алоқаларини тўхтатиб қўйди, шунингдек мамлакатимизнинг асосий савдо ҳамкорларидан бири Украина билан экспорт импорт миқдорини камайишига олиб келди.

Россия федерацияси Ўзбекистон мева – сабзавотларининг асосий экспортёри ҳисобланади(барча етказиб берилаётган мева-сабзавотларнинг 30,5 фоизи). Шунингдек республикаимизга ўсимлик ёғи, гўшт, шакар, ёғоч каби маҳсулотларини етказиб берувчи асосий давлатлар Украинадан Россия улушига тўғри келади. Бу ўз навбатида минтақа иқтисодиётига таъсир этади транспорт тизимлари ривожига тўсқинлик қилади.

Республика транспорти шаклланиш тарихида сиёсий омил катта ўрин эгаллаб келган. Дастлаб йўлларнинг асосий қисми темир йўллардан ташкил топиб катта миқдорда юкларни ташишга мўлжалланган ҳамда транспорт коридорлари фақат шимол томон ривожлантирилган.

Айни вақтда автомобил ва темир йўлларни қуриш ва фойдаланишда иқлим омиллари, қор кўчкилари, ҳаво ҳарорати, ёмғир, шамол ва бошқаларнинг таъсири каттадир. Ҳаво транспортида аэропортларни жойлаштиришда эса атмосфера ҳавоси, босим, иқлим хусусиятларини эътиборга олиш зарур бўлади.

Милков таъкидлашича табиий ландшафтларнинг ўзгаришига энг кучли таъсир этувчи омил антропоген омил ҳисобланади. Яна шунингдек у антропоген ландшафтларни категорияларга бўлганда, йўл ландшафтларини ажратади. Ва айнан йўл ландшафтларини шаклланиши табиий ландшафтларнинг модда ва энергия алмашинувида, тупроқ турларининг ўзгаришига олиб келади.

Ҳозирги кунда БМТ нинг транспорт соҳасидаги резолюцияларида яна бир жиҳатга, омилга эътибор қарқтмоқда. Бу ҳам бўлса экологик омилдир. Бунга сабаб Ер сайёрасидаги чиқаётган иссиқхона газларининг 16 % и транспорт

ҳиссасига тўғри келиб, ушбу улушнинг 12 % қисмини автомобил транспорти ҳосил қилади³.

Йирик шаҳарларда, саноат марказларида экологик муаммоларнинг асосий омилларидан бири – транспортдир. Жумладан Ўзбекистон Республикасининг Тошкент шаҳри 2022 йилда дунёда энг ифлосланган ҳудудларда биринчи ўринни эгаллаб турибди. Ҳамда бу ифлосланиш кўрсаткичининг асосий қисми (93 %) транспортга тўғри келади. Бундан келиб чиқадиги республикада шаҳар транспорт тизими экологик омилларни ҳисобга олинмасдан ривожлантирилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда транспорт тизимларини шаклланишига, ривожланишига ҳудудларнинг географик жойлашуви, давлатлар орасидаги иқтисодий алоқалар (транспорт иқтисодий алоқалар) ёки низолар, урушлар, технологик тараққиёт (электромобиллар, дронлар, супер танкерлар), экологиянинг бузилиши ва бунда транспортдан чиқаётган чиқиндилар (СО) натижасида кам чиқиндили транспорт воситалари кашф этилиши ҳамда ушбу транспорт воситалари учун инфратузилма шакллантириш кабилар ҳудудларда транспорт тизимларини шаклланишига, ривожланишига таъсир этувчи омиллар бўлиб қолмоқда.

³ <https://plus-one.ru>

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Jean-Paul Rodrigue, Claude Comtois, and Brian Slack THE geography of transport systems / by Routledge 270 Madison Ave, New York, 2006, 297 p
2. Исаев А. А. Фарғона водийси транспорти ривожланишининг географик жихатлари География фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертатция Т., 2009.
3. Ибраимова А.А. Ўзбекистон Республикасини Марказий Осиё давлатлари билан ташқи иқтисодий алоқаларининг географик жихатлари. География фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т., 2012.– б.- 85.
4. Проф. С.В. Бернштейн-Коган Очерки Географии транспорта. гос изд-во 1930.-360 с.
5. Никольский И. В. География транспорта. М.,-1978.
6. Солиев А.С. Ўзбекистон географияси. Дарслик. Т.:”Университет”, 2014.- б.87.
7. Усманов З. К. Ўзбекистон транспорт тизимининг ҳудудий ташкил этилиши. Монография. – Т.: «MUMTOZ SO’Z», 2020.
8. Ульджабоев К.У. Экономическая реформа на железнодорожном транспорте. – Т.: Меҳнат, 1999.
9. Н.А.Грудцын. Пространственно-временная динамика высокоскоростного железнодорожного транспорта: мир и россия Дисс. Санкт-Петербург – 2017
10. Latipov Normurod Fakhridin Ugli (2019). Geourbanistic's role in socio-economic geography. International scientific review, (LXV), 4-50.
11. Latipov, N. (2022). Urboecology-Interdisciplinary Synthesis of Geography and Ecology. *Middle European Scientific Bulletin*, 24, 16-20.
12. Комілова, Н., & Латіпов, Н. (2022). Класифікація населених пунктів регіону Навой на основі екологічної ситуації та факторів впливу на здоров'я населення. *Вісник Харківського національного університету*

імені В. Н. Каразіна, серія «Геологія. Географія. Екологія», (56), 209-213.

<https://doi.org/10.26565/2410-7360-2022-56-15>

13. INDICATORS OF URBAN ENVIRONMENT ASSESSMENT AND CRITERIA FOR THEIR SELECTION

LN Faxriddin O'g'li - INNOVATIVE AREAS OF SOLVING PROBLEMS OF ..., 2022

14. <https://xs.uz/uz/post/toshkent-shahri-havoning-ifloslanish-darazhasi-bojicha-dunyoda-birinch-oringa-chiqdi>

15. <https://stfalcon.com/ru/blog/post/transportation-industry-trends>

16. <https://daryo.uz/2022/10/17/toshkentda-17-oktabr-kuni-chang-tozoni-bolishi-kutilmoqda/>

17. <https://plus-one.ru>